



Schweizerische Eidgenossenschaft  
Confédération suisse  
Confederazione Svizzera  
Confederaziun svizra



**Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш**

**комиссиясининг**

**илмий-ахборот маркази**


**Сув ресурсларини бошқариш халқаро институти**

**«Фермер хўжаликлари даласида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш»  
лойиҳасининг**

**АХБОРОТ МАРКАЗИ**

**ПАХТАЧИЛИК ВА ҒАЛЛАЧИЛИКДА МАЪДАН  
ҲАМДА МАҲАЛЛИЙ ЎҒИТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА**

**ТАВСИЯЛАР**



Мамлакатимиз деҳқончилигида қишлоқ хўжалик экинларидан олинаётган ҳосилнинг ўртача 50-60 фоизи маъдан (минерал) ва маҳаллий (органик) ўғитлар ҳисобига етиштирилмоқда. Бинобарин, таркибида чиринди, озик моддалар миқдори кам бўлган бизнинг тупроқларимизда экинлар ҳосилдорлигини ошириш учун маъдан ҳамда маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Ўза ўсимлиги тупроқдаги азот, фосфор ва калий моддаларига анча талабчан ҳисобланади. Ўрта толали, вилоятимизда экиладиган ўза навларидан етиштирилган пахтанинг ҳар бир тоннаси учун тупроқдан 50-60 кг азот, 12-20 кг фосфор, 60-70 кг калий моддаси сарфланади. Шунинг учун суғориладиган деҳқончилик шароитида гектар ҳисобидан 35 центнер пахта ҳосили йиғиштириб олишга шу гектарга 200 кг азот (аммиакли селитранинг 34 фоизлигидан 590 кг), 150 кг фосфор (суперфосфатнинг 14 фоизлигидан 1071 кг), 100 кг калий (калий тузининг 40 фоизлигидан 250 кг) сарфланади. Ҳудди шу ўғитларни шу меъёردа қўлланганда уларнинг нисбати азотга нисбатан 1: 0,7: 0,5 бўлиши таъминланади.

Маъдан ўғитларни қўллаш муддати ўзанинг ривожланиш босқичларига мос келиши керак. Чунки ўза ўсимлиги барча ривожланиш босқичларида маъдан ўғитларга бир хил меъёردа талабчан эмас. Жумладан, чигит экиш олдидан ёки экиш билан бир вақтда йиллик азот меъёрининг 25-30 фоизни қўллаш кифоя. Мисол учун азотни йиллик меъёри гектар бошига 200 кг бўлса чигит экиш билан бирга соф ҳолда 30-40 кг қўллаш лозим бўлади. Ҳудди шу муддатда гектарига 40-50 кг фосфор ҳам қўлланади.

Ўза майсалари униб чиқиб, ягоналаш ўтказилиб ўсимлик ўсиб ривожланаётган амал даврида 2-3 марта маъдан ўғитлар билан озиклантирилади.

Ўза ўсимлигини азот билан озиклантириш меъёрлари 3-4 чинбарг чиқарганда 40 кг/га, шоналашда 60 кг/га, ёппасига гуллаганда 70 кг/га бўлиши тавсия этилади.

Ўзани фосфор билан озиклантириш меъёрлари ҳайдов остига кузда 70 кг/га, чигит экиш билан бирга 30 кг/га, ялпи гуллаш даврида 50 кг/га бўлгани мақсадга мувофиқдир.

Ўзага калий айниқса шоналаш даврида зарур. Шунинг учун калийни йиллик меъёрининг 50 кг/га миқдори ҳайдов остига, қолган 50 кг/га миқдори шоналаш даврида қўлланиши айни муддао бўлади.

Пахта майдонларида ўзани маъдан ўғитлар билан озиклантириш 20 июлда тугатилиши лозим. Кеч муддатларда, ёки август ойида ўғитланган, айниқса азот билан озиклантирилган ўза пахта ҳосилининг пишиб етилиши кечикади.

Вилоятимизда аҳолини дон маҳсулотларига талабини қондириш учун экилаётган кузги буғдой ҳам маъдан ва маҳаллий ўғитларга талабчан. Шунини ҳисобга олиб, кейинги йиллардаги тажриба натижаларига асосланиб бу экинни маъдан ўғитлар билан тўғри озиклантиришга эришиш керак.

Бунинг учун кузги буғдойга бериладиган маъдан ўғитларни йиллик меъёрлари қуйидагича бўлиши лозим.

Ҳар бир гектар буғдой майдонига соф ҳолда 200 кг азот 100 кг фосфор ҳамда 80 кг калий қўлланиши тавсия этилади. Ёки, аммиакли селитра шаклида бир гектарлик меъёр 590 кг, карбондид (мочевина) шаклида 440 кг, суперфос (24 %) шаклида 430 кг, калийнинг хлорли тузи шаклида 130 кг ўғитлар берилиши керак.

Бу ўғитларни қўллаш муддатлари қуйидагича бўлиши зарур.

Фосфорли-калийли маъдан ўғитларнинг 100 фоиз йиллик меъёри кузги буғдойни экишгача, хусусан ерни ҳайдаш олдида, ёхуд ғўза қатор ораларини кузги буғдой экиш учун тайёрлаш жараёнида қўлланилади.

Бу ўғитларни қўллаш муддатлари эса қуйидагича.

Азотли ўғитларни соф ҳолда гектар бошига майсаларни тўплаш даврида 60 кг, найчалаш даврида 70 кг, бошоқлаш даврида 40 кг ҳисобида қўллаш керак. Бу ўғит йиллик меъёрининг 30 кг миқдори кузги буғдойни экиш билан берилди.

Кузги буғдой экинни ҳар бир гектарига 10-15 тоннадан яхши чиритилган гўнг сепиш ҳам кўни фойда, чунки бу маҳаллий ўғит таркибида азот, фосфор, калий моддаларидан ташқари кузги буғдойни дон ҳосилдорлигини кўпайтирувчи, сифатини яхшиловчи микроэлементлар ҳам мавжуд.

Аммо бу ерда шунини ҳисобга олиш зарурки 75 гектар экин экадиган фермер хўжалиги ғўза ва буғдой учун барча майдонларни ҳар бир гектарига 10-15 тоннадан чиритилган маҳаллий ўғит қўллаш имкониятига эга эмас. Шунинг учун фермер хўжалигида далалар (карталар) бўйича гўнг алмашлаш режасини тузиш зарур бўлади.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари, мутахассислари илиқ об-ҳаволи кўнлар бошланиши биланоқ ривождан орқада қолаётган кузги буғдой майдонларини аниқлашлари лозим. Бундай майдонларда майсалар «шарбат» усулида озиклантиришлари керак бўлади. Бунинг учун кузги буғдой суғориладиган ўқ-ариқлар бошига 4 х 4 х 2 ҳажмдаги хандақлар қазилади «гўнг шалтоғи» билан тўлдириб турилади. Бунда суғориш туфайли гўнг «шарбати» сув билан кузги буғдой даласини қўшимча озиклантиради.

Кузги буғдойни кўшимча озиклантириш учун суспензия усулидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ келади. Бу тадбир ғаллани тўлиқ тўплаш, найчалаш ва донни сут пишиш даврларида ўтказилади.

Суспензия тайёрлашда, ёки кузги буғдойни кўшимча озиклантиришда асосан 46 фоизли карбомид (мочевина) ўғитидан фойдаланилади. Карбомид сувда яхши эрийди ва кузги буғдойнинг барги орқали тез ўзлаштирилади.

Суспензия қуйидагича тайёрланади. Биринчи кўшимча озиклантириш учун гектарига 6-5 кг карбомид 25 литр сувда, оддий суперфосфат ҳам 5-6 кг миқдорда шунча сувда эритилади, бунинг учун роса аралаштирилади, сўнг эритма 60 – 70<sup>0</sup>С гача иститилади. Кейин бу эритма (50 л) сузилади. Тайёрланган икки идишдаги эритмага 250 литр сув қўшиб ҳажми 300 литр бўлган идишга қуйилади.

Иккинчи озиклантиришда карбомид миқдори 6- 7 кг бўлиб, бошқа иккинчи идишда 5 кг калий тузи обдон аралаштирилади. Сўнг бу икки идишдаги жами 50 литр эритма сузилади. Кейин 250 литр сувли 300 литрли идишга қуйилади. Шу билан 300 литр ишчи эритма бир гектарли кузги буғдойни барглар орқали озиклантиришга шай бўлади.

Кузги буғдойни учинчи озиклантиришда карбомид миқдори 9-10 кг, оддий суперфосфат миқдори эса 7-8 кг ни ташкил этади. Эритма тайёрлаш жараёни эса худди биринчи озиклантиришдагидек ўтказилади.

Суспензия кузги буғдойни ташқи ноқулай шароит ва касалликлардан сақлаб қолиш усули бўлибгина қолмай, балки унинг дон сифатига ҳам, салмоғига ҳам ижобий таъсир этади.

Ушбу илмий тавсияларга риоя қилиб парваришланган ғўза ва кузги буғдой ҳосилдорлиги юқори бўлади.

“Фермер хўжаликлари дала миқиёсида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш”

Лойиҳасининг миллий менежер ёрдамчиси - Ш.Эргашев

Лойиҳа мутахассиси - А.Ахунов

Лойиҳа мутахассиси, қхфн, ЎзПИТИ

Андижон филиали катта илмий ходими, доцент - С.Баҳромов

Манзил: Андижон шаҳри, Н.Охунов кўчаси, 35-уй

Телефон: 224 – 29 – 26; 224 – 42 – 73

E-mail: andiwrm@rol.uz